

ЭКОЛОГИЯ ҚОНУНЧИЛИГИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЮРИДИК ЖАВОБГАРЛИК ТУРЛАРИ ТИЗИМИ

Кобилов Шухрат Розийевич

*Тошкент вилояти юридик техникуми
“Оммавий ҳуқуқий фанлар” кафедрa мудири,
Юридик фанлар номзоди*

Аннотатсия: *мазкур мақолада экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган қунунчилик талаблари ва уларни бузганлик учун юридик жавобгарлик асослари, жавобгарликнинг турлари назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилинган. Шунингдек, экология қонунчилигини бузганлик учун юридик жавобгарлик бўйича асослантирилган таклифлар илгари сурилган*

Аннотация: *в данной статье теоретически и практически анализируются правовые требования, связанные с экологией и охраной окружающей среды и основания юридической ответственности за их нарушение, виды ответственности. Также выдвинуты обоснованные предложения о юридической ответственности за нарушения природоохранного законодательства*

Abstract: *in this article, the legal requirements related to ecology and environmental protection and the basis of legal liability for their violation, the types of liability are theoretically and practically analyzed. Also, justified proposals on legal liability for violations of environmental legislation have been put forward*

Калит сўзлар: *юридик жавобгарлик, экологик зарар, санксия, жавобгарлик субъекти, ҳуқуқбузарлик объекти*

Ключевые слова: *юридическая ответственность, экологический вред, санкция, субъект ответственности, объект правонарушения*

Key words: *legal responsibility, environmental damage, sanction, subject of responsibility, object of offense.*

Табиатни муҳофаза қилиш борасидаги юридик жавобгарлик экологик ҳуқуқбузарликларга эътибор қаратадиган ўзаро боғлиқдаги ҳуқуқий нормаларнинг мажмуи ва тизимидан иборатдир. Экологик йўналтирганлик, тўғрироғи, экологик (табиатни муҳофаза қилиш) функцияларни бажариш юридик жавобгарлик нормалари мажмуннинг умумий хусусиятларининг намоён бўлиши, улар бирлигининг ифодасидир. Унинг элементлари (алоҳида нормалар ёки ҳуқуқий нормалари гуруҳлари)нинг экологик релевантлик доирасидаги ўзига хосликлари жавобгарликнинг аниқ турларида намоён бўлади. Шу билан бирга жавобгарликнинг алоҳида турлари воситасида табиатни муҳофаза қилиш борасидаги юридик жавобгарликнинг умумий ҳамда универсал жиҳатлари аниқлашади (конкретлашади). Ҳуқуқий адабиётларда юридик жавобгарлик турлари тизими тузилишининг ягона мезони йўқ. Юридик жавобгарлик функцияларнинг, унинг тартибга солувчи хусусиятларининг кўп эканлиги уларни амалга ошириш воситалари ва усулларининг

эришиш йўлларидаги ва санкциялардаги тафовутлар жавобгарлик турлари тизимларининг тузилиш мезонлари ҳам кўп бўлишини тақозо этади. Шундоқ экан, табиатни муҳофаза қилиш борасидаги юридик жавобгарлик турларини илмий тасниф учун етарли даражада объектив ва субъектив асослар бор, десак хато бўлмайди. Бу қондани аниқ тасаввур қилиш учун ҳуқуқий адабиётларда учрайдиган мезонлар асосида табиатни муҳофаза қилиш борасидаги юридик жавобгарлик турларини тансифлашнинг қуйидаги наъмунавий рўйхатини ҳавола қилиш мумкин:

1) Уларнинг юридик таъсир кўрсатадиган объектлари бўйича (табиат мажмуий ва ягона тузилма сифатида: унинг алоҳида элементлари; табиий ресурслар (бойликлар) объектлар: қўриқланадиган объектлар (қўриқхоналар) ва бошқалар).

2) Санкцияларнинг маҳияти ва характери бўйича (ҳуқуқни тикловчи, ҳуқуқни чекловчи, мулкӣ, жарима, жоза санкциялари).

3) Жавобгарлик субъектлари бўйича (фуқароларнинг, мансабдор шахсларнинг, юридик шахсларнинг, махсус субъектларнинг жавобгарлиги).

4) Ҳуқуқбузарликлар таркиби объектив томонинг тузилишларининг ўзига хосликлари бўйича (моддий ва ясама, сохта таркиблари).

5) Ҳуқуқбузарликлар таркибининг субъектив томони бўйича (айбли ва айибсиз жавобгарлик, айбнинг шакли бўйича).

6) Экологик зарар етказиш омили асосида (етказилган зарар учун, зарар билан боғлиқ равишда, зарар етказиш хусусидаги таҳдид учун жавобгарлик).

7) Юридик жавобгарликни қўллаш тартиби ҳамда жавобгарликни амалга оширишга ҳуқуқли бўлган органлар бўйича (суд томонидан ва суднинг аралашувисиз, суд, маъмурий комиссия, Табиатни муҳофаза қилувчи органлар томонидан юклатилган юридик жавобгарлик).

8) Жавобгарликни амалга ошириш учун зарур бўлган сарф-харажатлар белгиси бўйига.

Табиатни муҳофаза қилиш борасидаги юридик жавобгарлик институтининг жавобгарлик чораларнинг таснифлашнинг бошқа асосларни ҳам таклиф қилиш мумкин, бундан ташқари, тадқиқат олдига қўйилган вазифалар характерига боғлиқ равишда ажратилган таснифлаш гуруҳлари яънада аниқроғ мезонлар бўйига батафсиллаштириш мумкин.

Кўплаб объектив мезонлар бўйича таснифлаш ушбу институтнинг турли муаммоларини аниқлашда ва ҳал этишнинг дастлабки шартидир.

Юқорида келтирилган таснифлаш турларининг ҳар бири бошқа асослар бўйича таснифлаганда намоён бўлмайдиган муоммоларни белгилаш имконини беради. Шу сабабдан ҳам, илмий таҳлил объектига кўп босқичли ёндошувлар мавжуд бўлган бир пайтда уларнинг ҳар бир муаммовий тугунларни аниқлаш ва уларни тегишли тарзда ҳал этиш учун ўзларига хос ягона усулда ҳаракат қилганликлари уларнинг афзаллиги ҳисобланади.

Масалан, таъсир объектлари бўйича табиатни муҳофаза қилиш борасида юридик жавобгарликнинг турлари ва нормаларини таснифлаш асосида табиат объектлари,

уларнинг мажмуалари ёки алоҳида элементларининг жавобгарлик нормалари билан ҳуқуқий таъминланганлиги тўғрисидаги маълумотларни олиш мумкин.

Жумладан, табиатни муҳофаза қилиш борасидаги фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликни ушбу таснифлаш орқали ўрганиш унинг нормалари табиат муҳофазаси соҳасидаги барча муносабатларни қамраб ололмаслиги кўрсатади. Улар унинг баъзи томонлари ва элементларини қамраб оладилар. Зарарни қоплаш усулларини таққослаш асосида таққослаш усули ноқонуний ов қилиш ноқонуний равишда балиқ тутиш, ўрмон қоидаларини бузиш ҳоллари учун юклатиладиган фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликни амалга оширишдагина қўлланишини аниқлаш мураккаб эмас.

Махсус усуллар асосида ҳисоблаш йўли билан қуйидагилар аниқланади; балиқчилик хўжалигига етказилган зарар: бу зарар сув ҳайвонларини овлаш объектларини йўқотиш ёхуд уларни сув ҳавзаларидан нақонуний тарзда овлаш йўли билан оммавий равишда кириб юборишда ёки уларнинг яшаш ва урчиш (кўпайиш) шароитларининг ёмонлашувида намаён бўлади; сув ҳавзаларининг ифлосланишидан, сувдан фойдаланиш қоидалари ва табиатнинг бузилишидан кўрилган зарар; йук қилиб юбориш ёки ўт қўйиш ҳамда бошқа ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатлар натижасида ўрмонларни шикастлантириш орқали ўрмон хўжалигига етказилган зарар оқибатлари. Баён қилинган маълумотлар табиатни муҳофаза қилиш борасидаги фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликни такомиллаштиришнинг аниқ йўллари ва чораларини белгилаш имконини беради.

Жавобгарлик субъекти бўйича тавсифлаш “Табиат-инсон” муносабатларининг қайси доирасида, қандай ва кимнинг фаолияти туфайли (ишлаб чиқариш, бошқарув, рекреацион) табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликнинг энг кўп тарқалган бузилишлари содир этилиши хусусида энг аниқ хулосаларга келиш мумкин: ҳуқуқбузарликлар субъектлари турли шахслар бўлганда бир хил экологик ҳуқуқбузарликларнинг оқибатлари қандай баҳоланиши хусусида ҳам аниқ хулосалар қилинади.

Зарар фақатгина асосланган ҳамда жавобгарлик нормаларининг функционал ва мақсадий таснифларини ҳисобга оладиган таснифлашда жавобгарлик нормалари етказилган зарар учун юклатадиган жавобгарлик нормалари ва зарар етказиш билан боғлиқ равишида юклатиладиган жавобгарлик нормаларига бўлинади.

Бундай чегаралаш зарар учун юклатиладиган фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик, зарар етказиш билан боғлиқ. Равишда юклатиладиган жиноий. Маъмурий, интизомий ва табиат бойликларини муҳофаза қилиш борасидаги жавобгарлик ҳамда зарар етказиш хавфини тўғдирганлик учун юклатиладиган жавобгарлик (сохта таркибли барча жавобгарлик турлари) ўртасида тўғри муносабатлар ўрнатилишига йўналтирилган. Ушбу таснифлаш асосидаги жавобгарлик нормалари гуруҳи ижтимоий муносабатларнинг табиатни муҳофаза қилиш доирасининг ҳуқуқий таъминланганлик даражасини аниқлаш, ҳуқуқий етишмовчиликлар ёхуд қайталанган (такрорий) ҳолатларни топиш имконини берди.

Натижада табиатни муҳофаза қилиш борасидаги юридик жавобгарликнинг тугалланган аниқ турларини белгилаб беради. Ва, ниҳоят. Юридик жавобгарликнинг умумий ва махсус белгилари асосида тузилган ушбу тизм ҳуқуқишунос экологларнинг баҳс-муҳофасага сабаб бўладиган, ер, ўрмон, сув ва бошқалар хусусидаги ҳуқуқий муносабатларда қўлланиладиган баъзи бир муҳофаза чораларининг ҳуқуқий табиати ва қайси турга тегишлилигини аниқлаш имконини беради.

Аммо айтиб ўтиш лозимки, таснифлашнинг соҳавий пиринципининг ёлғиз ўзи табиатни муҳофаза қилиш борасидаги юридик жавобгарликнинг самарадор тизими моделина яратиш учун етарли эмас. Ҳал этилиши лозим бўлган амалий масалалар таснифлашнинг бошқа, қўшимга мезонларини ҳам тақазо этади.

Жумладан, улар юқорида айтилган юридик жавобгарлик турларини таснифлаш мезонларининг наъмунавий рўйхатида ҳам келтирилган.

Жавобгарлик турларини чегаралашнинг соҳавий принципига биноан умумий ҳуқуқ назарияси мутахассислари юридик жавобгарликнинг жиной, маъмурий ҳамда фуқаравий-ҳуқуқий турларини ажратиб кўрсатадилар.

Меҳнат муносабатлари билан боғлиқ равишда интизомий жавобгарлик ҳамда моддий жавобгарлик мавжудлигини тан олиш ҳам сезиларли даражада тарқалгандир. Юридик адабиётларда сув ва сувдан фойдаланиш борасидаги жавобгарликни, ер ва ердан фойдаланиш борасидаги жавобгарлик, ўрмон ва ўрмондан фойдаланиш борасидаги жавобгарлик, такса бўйича жавобгарликларни мустақил турлари сифатида тан олиш хусусида турли хил фикр-мулоҳазалар мавжуд.

Юридик жавобгарлик жиной, маъмурий ҳамда фуқаровий-ҳуқуқий турларини ажратишнинг белгилари ва мезонлари ҳамда улар орасидаги чегаралар ҳуқуқий адабиётларда ишлаб чиқилган.

Айбланаётган хатти-харакатнинг ижтимоий хавфлилик даражаси, ахлоққа таъсир ўтказиш усуллари, таъсир кўрсатишнинг аниқ вазифалари ва мақсадлари ҳамда илмий асосланган бошқа объектив мезонлар шундай белгилар ва мезонларидир деб тан олинган. Ушбу жавобгарлик турлари орқали ифодаланган ҳуқуқий чораларни табиатни муҳофаза қилиш борасидаги юридик жавобгарлик тизимига киритмоқ учун яна битта мезон, яъни уларнинг экологик релевантлиги зарур.

Табиат объектларига у ёки бу тарзда алақадор бўлган барча нормаларни эмас, балки экологик вазифага эга бўлган, яъни экологик (табиатни муҳофаза қилиш) функцияларини амалга оширадиган ҳуқуқий нормаларнигина экологик релевант нормалар деб аташ мумкин. Бу нормалар ягона мақсадли ҳам бўлиши мумкин, улар махсус экологик нормалар деб аталади, шунингдек улар кўпмақсадли ҳам бўлишлари мумкин. Бўронлар ва шамоллар таъсирида синий тушган дарахтларини ўзлаштириб олганлик учун юридик жавобгарлик кўпмақсадли нормаларга мисол бўла олади.

Биринчи қарашда у давлатнинг ўрмон фондида, ўрмонларга давлат мулкчилик ҳуқуқига тажовуз қилишнинг олдини олишга қаратилгандай туюлади. Аммо шу билан бирга, агар чуқурроқ назар ташлайдиган бўлсак, бу норма экологик вазифани

ҳам адо этади, яъни бази ўсимликлар ўсадиган жойларни ва шарт-шароитларни, баъзи ҳашоратларнинг яшаш жойларини ҳамда намликни муҳофаза қилишга хизмат қилади.

Экологик релевантлик юридик жавобгарлик назарияси ютуқлари асосидаги асосий фарқловчи белги сифатида жиноий маъмурий, фуқаровий-ҳуқуқий ва интизомий жавобгарлик турларидан иборат бўлган қонунчиликни таҳлил қилиш имконини беради. Табиатни муҳофаза қилиш борасидаги юридик жавобгарликнинг ушбу турларидан ҳар бирининг назарий моделларни моддийлаштиришнинг ташкилий қонуний йўллари таклиф этилган.

Шу сабабдан биз табиатни муҳофаза қилиш борасидаги ишлаб чиқилганлиги бизга етарли эмасдек туюлган жавобгарлик турлари тизими хусусида тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Бу биринчи навбатда сув, ўрмон, ер ва бошқа табиат бойликлари ва улардан фойдаланиш борасидаги жавобгарлик турлари масаласидир.

Бу масалалар бўйича қонунчиликда мавжуд бўлган қуйидаги чоралар ўрганиб кўрилиши лозим: табиатга нормадагидан ортиқ даражада зарарли таъсир кўрсатувчи фаолият ҳуқуқидан маҳрум қилиш, бу ҳуқуқни чеклаб ёки тўхтатиб қўйиш. Бу чоралар қуйидаги қонун нормаларида батафсиллаштирилган: ердан фойдаланиш қоидаларини мунтазам равишда бузганлик учун ерни олиб қўйиш; ўрмондан фойдаланиш тартиби бузилганда ўрмондан фойдаланишни тўхтатиб қўйиш; ўрмоннинг ҳолати ва қайта тикланишига хавф тўғдирадиган ишларни тўхтатиб қўйиш; ер ости бойликларидан фойдаланишни чеклаш, тўхтатиб ёки тақиқлаб қўйиш; ҳавони ифласлантирадиган моддаларни атмосферага чиқаришни чеклаш, тўхтатиш ёки тақиқлаб қўйиш; ёнгин хавфсизлиги қоидаларини бузганлик учун, то улар бартараф этилгунча қадар ўрмон участкалари ва объектларида ёғоч тайёрлаш ва бошқа ишларни тўхтатиб қўйиш. Бу нормалар рўйхатини яна давом эттириш мумкин.

Уларни жавобгарлик чоралари деб тан олиш учун улар юридик жавобгарликнинг барча белгиларига эга бўлишлари зарур. Акс ҳолда табиатни муҳофаза қилиш борасидаги юридик жавобгарлик тизимига бутунлай бошқа тартибдаги чоралар асоссиз тарзда киритилиши мумкин. Масалан, ердан фойдаланувчилар кўрган зарарни қоплаш институти нормаларини жавобгарлик чоралари сифатида кўриб чиқиш албатта хатодир. Юқорида санаб ўтилган чораларни ўзида мужассам этган қонунчиликни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, улар фақат ҳуқуқбузарликлар содир этилганлик учун қўлланилади, яъни улар давлатнинг ғайри ҳуқуқий хатти-ҳаракатлар содир этган шахсларга нисбатан билдирилган муносабатидир. Ушбу нормаларни қўллаш шартларини кўрсатувчи диспозициялар шундай ифода этилганки, бу нормаларни қўллаш учун хатти-ҳаракат фақат ғайриҳуқуқий эмас, балки айбли ҳам бўлиши лозим. Зарурай туғилганда улар давлат мажбурлови асосида амалга оширилади. Бу белгилар бўйича ушбу чоралар ўз табиатларига кўра ҳаммаси бир хилдир.

Юрдик жавобгарлик белгилари фақат ғайриҳуқуқийлик, айблилик ҳамда давлат мажбурловининг мавжудлиги билан чегараланганда эди, уларни бемалол

жавобгарлик чоралари сирасига киритиш мумкин бўларди, зеро, бу белгилар мавжудлигини аниқлаш унчалар мураккаб эмас.

Аммо ушбу чораларнинг барчасида юридик жавобгарликнинг асосий белгиси, яъни ҳуқуқбузарарнинг зиммасига юклатилган янги, қўшимча мажбуриятлар ёки маҳрумликлар кўринишидаги нохуш, салбий оқибатларнинг юзага келиши мавжудми деган саволга бир хилда жавоб беришнинг имкони йўқ. Бу саволга жавоб беришнинг оғирлиги шундаки “янги, қўшимча мажбурият” ҳамда “маҳрумликлар ва оғиргиликлар” деган тушунчалар жуда кенг маънога эга бўлиб, ўта хилма-хил ҳуқуқий оқибатларни, яъни жарима, зарарнинг қопланиши, озодликдан маҳрум этиш ва бошқаларни қамраб олади. Юқорида тилга олинган тушунчалар доирасида ушбу чораларни бартафсил ўрганиш уларнинг барчасига тааллуқли бўлган битта умумий ўзлига хосликни топиш имконини беради: уларнинг барчаси ғайриҳуқуқий асосда юзага келган муносабатларни тўхтатиб қўйиш, тугатиш ёки чеклаб қўйишга қаратилган.

Бу муносабатлар жараёнида экологик ҳуқуқбузарликлар содир этиш бу чораларни қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Бу чоралар ҳуқуқбузарлик субъектига янги, қўшимча мажбуриятлар юклашни назарда тутмайди.

Шу сабабдан ушбу чоралар юридик жавобгарликнинг асосий белгилари сифатида тан олинадиган оғирликлар ва маҳрумликларни ўзида мужассам этган ёки этмаганлигини аниқлаш лозим. Буни аниқлаш жуда муҳимдир. Зеро, табиатни муҳофаза қилиш борасидаги юридик жавобгарлик тизимининг ҳажми ва моҳиятини аниқлаш шу билан чамбарчас боғлангандир. Ушбу мақсадимизни амалга ошириш учун кўрсатилган тартибдаги чорани назарда тутувчи ҳуқуқ нормасини таҳлил қилиб кўрайлик.

Маълум ҳолатларга боғлиқ равишда жарима чораси сифатида ерни олиб қўйиш воситасида ердан фойдаланишнинг тугатилиши қўйида тилга олинадиган мақсадлардан биттасини ёки бир йўла иккаласини ҳам назарда тутуди:

1. Ер участкасининг сифат ва миқдор кўрсаткичларини экологик зарарли фаолиятнинг салбий оқибатларидан омон сақлаб қолиш;
2. Ҳуқуқбузарлик объектдан оқилона ва иқтисодий жиҳатдан самарали фойдаланиш зарурияти.

Аммо ушбу мақсадларни амалга оширишнинг ҳар бир вариантыда ҳам ердан фойдаланувчи ҳуқуқбузар ер участкаси олиб қўйилмаганда олиши мумкин бўлган фойда имкониятидан маҳрум бўлади.

Шундай қилиб, бу ерда мулкый манфаатларнинг йўқотилиши ёки бошқача айтадиган бўлсак, моддий маҳрумликлар кўриниб турибди. Умуман олганда эса, бошқа табиат бойликларини фойдаланишдан олиб қўйиш, улардан фойдаланишни тўхтатиб ёки чеклаб қўйишда ҳам шу мақсад ва оқибатлар ўз ифодасини топади. Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ерни олиб қўйиш орқали ердан фойдаланувчиларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги қонун нормаси

гайриҳуқуқий ҳатти-ҳаракатлар содир этганлик учун ер олиб қўйилганда қўлланилмайди.

Ушбу ҳуқуқ нормаси бундай ҳолларда моддий маҳрумликлар мавжуд бўлишининг қўшимча қонуний ифодасидир.

Шундай қилиб, кўрсатилган турдаги моддий маҳрумликлар ва бошқа ноҳуш оқибатлар юридик жавобгарликнинг асосий белгисини тавсифловчи бир қатор кўрсаткичларга эгадир, деб хулоса қилишга асос бор.

Шунга асосан, табиатдан фойдаланиш ёхуд бошқа экологик моҳиятга эга бўлган фаолият юритиш ҳуқуқини тўхтатиб қўйиш, чеклаш ёки тугатиш чораларини табиатни муҳофаза қилиш борасидаги юридик жавобгарлик тизимига киритиш мумкин.

Юқорида таҳлил қилинган юридик таъсир воситаларининг ҳуқуқий табиатини аниқлаб олгандан кейин уларнинг жавобгарлик чораси сифатида қайси турга тааллуқлилигини ойдинлаштириш лозим.

Бу борада биз ҳуқуқий адабиётларда уч хил бир-бирдан фарқ қилувчи фикр-мулоҳазаларга дуч келамиз баъзи муаллифлар уларни маъмурий жавобгарлик турига киритадилар² бошқалари эса жавобгарликнинг махсус турлари шаклланаётганлиги хусусида гапирадилар³ ва ниҳоят, учинчи нуқтаи назар бўйича бу чоралар жавобгарликнинг мустақил турлари сифатида изоҳланади⁴.

Юридик жавобгарликни қайси турга тегишлилигини маъмурий-ҳуқуқий шарҳлаш тарафдорлари қуйидаги далилларга урғу берадилар: маъмурий ҳуқуқбузарликлар субъекти фақат жисмоний шахслардан, асосланаётган жавобгарлик турлари эса жисмоний шахсларга ҳам, юридик шахсларга нисбатан ҳам қўлланилади⁵.

Маъмурий жавобгарликчоралари маъмурий комиссиялар томонидан қўлланилади, махсус жавобгарлик чоралари эса тегишли табиат объектларини идора қилиш ҳуқуқига эга бўлган органлар томонидан қўлланилади.

Амалдаги қонунчиликда ҳақиқатан ҳам шундай фарқловчи белгилар бор. Аммо улар буни мустақил равишда ифода этолмайдилар, номавжудлиги эса соҳавий принцип бўйича аниқланадиган турга хос табиатига раҳна салолмайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўхати:

1. Бойсалов.С.Б водное право Казахстане Алма-Ата наука 1966 г ст 338-342.
2. Шалтакбаев.С.Ж теоритические вопросы правовой охраны вод АВТ Дисс к-ю-н Алма-Ата 1985 г ст 18.
3. Ерсенов.А.Е, Мухитдинов.И.Б, Ильяшенко.Л.В правовое обеспечение рационального природопользовоция Алма-Ата.
4. Наука 1985 г ст 127-128, Жариков.Ю.Г закон на страже землепол зования предупреждение земельных правонарушений-М-юрид лит 1985 г ст 61-79-108.
5. Петров.В.В правовая охрана природы М.юрид.лит 1984 г ст 157-164.